

Рамазоннинг 41 фазилати (ўн иккинчи мақола)



17:00 / 06.05.2020 1776

28. Эътикоф фазилати. Рамазонга оид энг кўзга кўринган ибодатлардан бири масжидда эътикоф ўтиришдир.

Имом Бухорий Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам ҳар Рамазонда ўн кун эътикоф ўтирар эдилар. Вафот этган йиллари эса, йигирма кун эътикоф ўтирдилар».

Эътикоф ўтириш – бу дунё ишларидан узилиб, ибодат учун ажраб чиқишдир. Эътикоф аслида Рамазон ойида адо этилгани учун, баъзи уламолар бошқа ойларда эътикоф ўтирмоқчи бўлган киши ҳам албатта рўза тутиб олиши керак, деганлар.

Оиша розияллоху анҳо айтади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам қачон Рамазоннинг охириги ўн кунлиги кирса, белни маҳкам боғлаб, кечаларини ибодат билан ўтказар ва аҳлларини ҳам уйғотар эдилар».

Бухорий ривояти.

29. Рамазоннинг яна бир фазилати – фидя садақасидир. Рамазон рўзасини тутишга умуман имкон топа оламайдиган кишилар ҳар бир кун учун бир

мискин таомини садақа қиладилар. Аллоҳ таоло: «Уни қийналиб тутадиганлар зиммасида бир мискин таоми фидя бордир», деган.

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид